

**РАДИКАЛЛАШУВНИНГ ИЖТИМОЙ-АНТРОПОЛОГИК
МОҲИЯТИ ВА ЗЎРАВОНЛИКНИ ЛЕГИТИМЛАШТИРИШ
МЕХАНИЗМИ**

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси доценти,
х.ф.ф.д. (PhD), Бойбутаев Жаҳонгир Жуманазар ўғли*

Аннотация. Тезисда радикаллашув бир марталик ғоявий қарор эмас, балки шахснинг қадриятлари, идентиклиги, ижтимоий муносабатлари ва ахлоқий баҳолаш мезонларида босқичма-босқич кечадиган трансформация сифатида таҳлил қилинади.

Калим сўзлар: радикализм, радикаллашув, экстремизм, терроризм, зўравонлик, легитимлаштириш, нисбий депривация, идентиклик.

Терроризмни радикаллашув жараёнидан ажратиб ўрганиш унинг шаклланиш мантиғини тўлиқ очиб бермайди. Радикализм, экстремизм ва терроризм мазмунан бир хил тушунчалар эмас. Радикализм мавжуд ижтимоий ёки сиёсий тартибни тубдан ўзгартиришга қаратилган ғоявий позицияни англатиши мумкин ва у ҳар доим ҳам зўравонликни тақозо этмайди. Экстремизм эса муроса, плюрализм ва ҳуқуқий чекловларни инкор этишга мойил бўлган кескин позицияни ифодалайди. Терроризмда эса зўравонлик ва қўрқитиш муайян сиёсий ёки мафкуравий мақсадга эришишнинг тизимли воситасига айланади. Шу боис, радикаллашувни ушбу ҳолатларни механик боғловчи муқаррар занжир эмас, балки муайян ижтимоий, психологик ва мафкуравий омиллар таъсирида ривожланиши мумкин бўлган кўп босқичли трансформация сифатида тушуниш мақсадга мувофиқ.

Радикаллашувнинг дастлабки омилларидан бири инсоннинг мавжуд ижтимоий воқеликни адолатсиз деб субъектив қабул қилиши билан боғлиқ. Тед Роберт Гуррнинг нисбий депривация назарияси шахс кутаётган имкониятлар билан реал ҳаётини шароит ўртасида кескин тафовут юзага

келганда норозилик, фрустрация ва адолатсизлик ҳисси кучайишини кўрсатади. Муҳими, бу ерда объектив қашшоқлик ёки ижтимоий муаммонинг ўзи эмас, балки инсоннинг ўз ҳолатини қандай баҳолаши ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Бир хил шароитда яшовчи барча одамлар радикаллашмайди; демак, ижтимоий омил шахснинг субъектив тажрибаси, идентиклиги ва маъно бериш жараёни орқали таъсир кўрсатади [1].

Фотали Моғаддам радикаллашувни “терроризм сари зинапоя” метафораси орқали тушунтириб, уни босқичма-босқич кечадиган психологик-ижтимоий жараён сифатида кўрсатади. Зинапоянинг қуйи босқичларида нисбатан кенг ижтимоий норозилик ва адолатсизлик ҳисси мавжуд бўлиши мумкин, юқорига кўтарилган сари эса муқобил йўлларнинг ёпиқ деб қабул қилиниши, душман образининг шаклланиши, радикал гуруҳ билан идентификация ва зўравонликни маъқуллаш кучаяди. Бу модел профилактика учун муҳим хулоса беради: терроризмнинг охириги босқичида реакция қилишдан кўра, шахснинг ижтимоий имкониятларини, ишончли мулоқот каналларини ва адолат ҳиссини эрта босқичда мустаҳкамлаш самаралироқ бўлиши мумкин [2].

Радикаллашувни фақат индивидуал психология орқали изоҳлаш ҳам етарли эмас. Кларк Макколи ва София Москаленко шахснинг дўстлик, хавфсизлик ва мансублик эҳтиёжи радикал гуруҳларга яқинлашишда муҳим роль ўйнашини таъкидлайдилар. Айрим ҳолларда инсон аввал янги ижтимоий муҳитни, кейин эса шу муҳитдаги ғояларни қабул қилиши мумкин. Бу ҳолат мафкуранинг таъсири кўпинча ишончли муносабатлар, дўстлик тармоқлари ва гуруҳий алоқалар орқали кучайишини кўрсатади. Демак, радикаллашувга қарши профилактикада шахсни ижтимоий жиҳатдан яқкалаб қўйиш эмас, балки уни конструктив жамоаларга интеграция қилиш, ишончли ижтимоий алоқаларини кенгайтириш муҳим [3].

Радикаллашувнинг ҳал қилувчи нукталаридан бири зўравонликнинг ахлоқий жиҳатдан легитимлашувидир. Шахс радикал фикрга эга бўлиши мумкин, аммо бу ҳолат автоматик равишда террорчилик фаолиятига олиб

келмайди. Терроризмга ўтиш учун зўравонлик мақбул, зарур ёки ҳатто маънавий бурч сифатида қайта талқин қилиниши талаб этилади. А. Бандуранинг ахлоқий узилиш механизми айнан шу жараёни тушунтиришга ёрдам беради: зарар етказувчи ҳаракатлар олий мақсадлар билан боғланади, жавобгарлик гуруҳ ёки раҳбариятга кўчирилади, қурбонлар дегуманизация қилинади ва оқибатлар камситиб кўрсатилади. Шу тариқа шахснинг ички ахлоқий чекловлари заифлашиши мумкин [4].

Муҳаммад Ҳафез ва Крейг Маллинс радикаллашувни кўп омилли “жумбоқ” сифатида баҳолаб, норозиликлар, ижтимоий тармоқлар, мафкура ҳамда радикаллашувни қўллаб-қувватловчи муҳит ва тузилмаларнинг ўзаро бирикишига эътибор қаратадилар. Бу ёндашувдан келиб чиқиб, радикаллашувни вертикал ва горизонтал ўлчамларда таҳлил қилиш мумкин. Вертикал ўлчам шахснинг когнитив, ахлоқий ва хулқий ўзгаришларини, горизонтал ўлчам эса радикал ғояларнинг дўстлик тармоқлари, жамоалар, ташкилотлар ва рақамли коммуникациялар орқали тарқалишини англатади. Икки ўлчам бир-бирини кучайтирганда зўравон экстремизм учун барқарор ижтимоий-психологик муҳит юзага келиши мумкин [5].

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, радикаллашувни “ғоя – зўравонлик” ўртасидаги оддий чизиқли боғланиш сифатида талқин қилиш илмий жиҳатдан чекланган. У шахснинг адолат ҳақидаги тасаввури, ижтимоий мансублиги, идентиклиги, гуруҳий муносабатлари, мафкуравий нарративлари ва ахлоқий баҳолаш тизимидаги ўзаро боғлиқ ўзгаришлардан иборат. Профилактиканинг вазифаси радикал фикрнинг ҳар қандай кўринишини жазолаш эмас, балки зўравонликни легитимлаштирувчи омилларни, ижтимоий бегоналашувни ва “душман” образи орқали қурилган деструктив идентикликни барвақт заифлаштиришдир. Бу йўналишда маърифат, танқидий тафаккур, мулоқот маданияти ва ижтимоий интеграция муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Gurr T. R. Why Men Rebel. – Princeton: Princeton University Press, 1970. – P. 36.
2. Moghaddam F. M. The Staircase to Terrorism: A Psychological Exploration // American Psychologist. 2005. Vol. 60, No. 2. – P. 161-169.
3. McCauley C., Moskaleiko S. Friction: How Radicalization Happens to Them and Us. – New York: Oxford University Press, 2011. – P. 75-76.
4. Bandura A. Moral Disengagement: How People Do Harm and Live with Themselves. – New York: Worth Publishers, 2016. – P. 49.
5. Hafez M., Mullins C. The Radicalization Puzzle: A Theoretical Synthesis of Empirical Approaches to Homegrown Extremism // Studies in Conflict & Terrorism. 2015. Vol. 38, No. 11. – P. 958-975.